



## ВИРЖИННИЯ ВУЛФ ИЖОДИНИНГ ИНГЛИЗ ВА АМЕРИКА АДАБИЁТШУНОСЛИИГИДА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

Файзуллаева Умидা,  
ЖДПИ докторанти

*Калим сўзлар: ижод, адабиётиунослик, образ, романчилик жанри, услуг, бадиий асар, матн, адаба.*

Давр талабига мувофиқ ўзбек адабиётшунослигини янги тадқиқот услублари билан бойитиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Шу маънода инглиз адебаси Виржиния Вулфнинг модернистик прозаси бадиий тузилишини тадқиқ этиш масаласи замонавий ўзбек адабиётшунослигининг кўп қиррали имкониятларини очиб берувчи янги йўналиш сифатида қаралади.

XX аср мобайнида Виржиния Вулф ижодига қизиқиши адабий танқидчилар томонидан қандай ўсган бўлса, оддий ўқувчилар томонидан ҳам юксалиб борди. Унинг кўплаб замондошлари томонидан оммавий аудитория учун ҳаддан ташқари “нозиклаштирилган” деб қаралган асарлари кенг китобхонларга манзур бўлди.

Аммо, Ватанимизда унинг романларининг нашр этилиши ҳамда она тилимизга таржима қилиниши лозим даражада илмий-танқидий баҳосини ҳануз олганича йўқ. Замонавий китобхонлар томонидан Вулфни идрок этишни алоҳида хусусиятларидан бири бўлган унинг романларининг услуги ҳам катта қизиқиши уйғотади.

“Мен, фалсафа деб аташ мумкин бўлган шундай бир фикрга келдим; ҳар қандай ҳолатда ҳам менинг вужудимда яшаб келаётган бу гоя, яъни шаклланмаган бу маълумот ичида қандайдир тартиб яширинган; биз – мен инсон кўли билан яратилган барча кашифиётларни назарда туяпман, – у билан боғлиқмиз; бутун дунёнинг ўзи бир санъат асари; ва биз шу асарнинг бир қисмимиз холос. “Ҳамлет” ёки Бетховеннинг квартети – мана ўша биз дунё деб атаетган улкан борлиқ ҳақидаги ҳақиқат. Аммо ҳеч қанақа Шекспир ҳам,

ҳеч қанақа Бетховен ҳам мавжуд эмас; биз – ўша сўзлармиз; биз – ўша мусиқа; барча нарсалар – биз”.<sup>[1]</sup> Виржиния Вулфнинг бу сўзлари инглиз адибасининг нафакат борлиқка, балки романнавислик масаласига ҳам бўлган умумий муносабатини яхшигина ифодалайди. Инсон ўзини борлиқ билан бир бутун дея ҳис этган, ўзини ўраб турган атроф-мухитга қўшилиб, сингиб бораётганини ҳис этиб қандайдир лаҳзаларни ифодалашни Вулф, романистнинг асосий вазифаси деб ҳисоблади.

Аммо, айнан романчилик жанрида турли инновацияларсиз бу каби мақсадга эришишни тасаввур қилиб бўлмайди. Ёзиш техникаси ҳам, роман учун материалларни тайёрлашнинг асосий принциплари ҳам, асар тузилишида персонажларнинг роли ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур. Шунинг учун Вулфнинг “экспериментал романлар” (бундай романларга анъанавий тарзда “Жейкоб хонаси”, “Дэллоуэй хоним”, “Маёк сари”, “Орландо” ва “Тўлқинлар” киритишади) деб аталган асарлари замондошларida ҳам, адабиётшуносларнинг кейинги авлодида ҳам катта қизиқиши уйғотгани тасодиф эмас. Вулф бу романларида ўзининг назарий ўй-фикрларини мужассамлаштирган. Эҳтимол, Жойс каби ўз асарларининг услугуга нисбатан у қадар қатъий бўлмаса-да, Виржиния Вулф ўзининг романларида инсон ҳаётидаги энг нозик масалаларнинг табиий синтезини бера олди.

Танқидчиларнинг дикқат-эътибори ҳар доимо Виржиниянинг асарларига қаратилган эди. 1932 йилнинг март ойларида Вулф ўзининг кундалигига шундай ёзади: “Виржиния Вулф тўғрисида



эндигина иккита китоб пайдо бўлди – Францияда ҳамда Германияда. Бу хавотирли хабар. Мен қандайdir бир шахсга айланиб қолмаслигим керак” [2]. Аммо, шу йили Лондонда инглиз адабасининг Уинфред Холтби томонидан ёзилган биографияси нашрдан чиқади [3]. Вулф вафотидан кейин унинг ижодини тадқиқ этиш жараённида икки босқич яққол сезилиб турди. Биринчи босқичнинг шакланишида Виржиния Вулфнинг яқин дўсти Э.М.Форстернинг таъсири аҳамиятли эди. Вулф Форстернинг фикрларини ғоят даражада қадрларди (“Мен нима ёзаётганлигимни ва умуман нима қилаётганлигимни Морган Форстердан ташқари ҳеч ким тушуна олмаганлигини, англай олмаганлигини ҳар доимо хис этардим”)[4].

1925 йили Форстер ўзининг “Виржиния Вулфнинг ilk романлари” номли мақоласида инглиз прозасини картиналар галереясида текис жойлашган Генри Филдингдан тортиб то Арнольд Беннетгача бўлган портретлар билан таққослади. Ва Вулф ҳақида ўзининг ғоят аҳамиятли бўлган куйидаги фикрини билдиради: “У мана шу галереяни бузишни истайди... аммо унинг ўрнига нимани жойлаштириш мумкин? Қандайdir бир текис, бир маромда бўлган асарлар. “Жейкоб хонаси” бир нуқтага ўраладиган аллақандай спиралсимон манзарани ёдга солади, “Дэллоуэй хоним” эса – қандайdir бутхонани” [5].

“Жейкоб хонаси” ва “Дэллоуэй хоним” романларининг бадиий тузилишидан завқланган Форстер, шунга қарамай, бу асарларни моҳирона яратилганлиги Вулф персонажлари хаётйлигининг камчиликларини тўлдириб туришини тан олади, – ҳа айтганча, унинг услугига нисбатан “илҳомланган руҳсизлик” деган эпитетни қўллаши бежиз эмас. Ва 1941 йилда Кембрижда ўқиган маъruzасида Э.М.Форстер адабанинг романларидаи персонажларнинг ҳаётйлигига бўлган шубҳани ифода этаркан унинг ажиб услугига асосий эътиборни қаратади” [6].

Шунинг учун, ўтган асрнинг 40-50 йилларида нашр қилинган Вулф ижодини тадқиқ қилишдаги Ж.Беннет, Р.Л.Чемберс, Д.Дэйчез, Б.Блэкстоун ҳамда Д.Хэфлиарнинг[7] муҳим ишлари, Уолтер Алленнинг “Анъана ва орзу” (Москва,1970) ва Арнольд Кеттлнинг “Инглиз романни тарихига кириш” (Москва, 1966) номли рус тилига таржима қилинган китобларидаи Вулфга бағишиланган маҳсус боблари, асосан, И.Рантавварнинг таъбири билан айтганда, Виржиния Вулф романлари асосида ётган “наср ва шеърият орасидаги холис территория”[8] ни ўлчаш ва ифодалашга қаратилганлиги тасодиф эмас эди. Бундай илмий тадқиқотларнинг юксак вазифаси Виржиния Вулф ижодини модернистик адабиёт оқимида яратилганлигини қайд қилиш, XX аср адабий жараённида инглиз адабасининг ўрнини белгилаш ёки, Харольд Блумнинг атамаси билан айтганда, унинг романларини Ғарб қонун қоидаларига хослигини таъкидлашга интилиш эди.

Сўнгти йиллар давомида унинг романларининг конкрет жиҳатларини ўрганишга борган сари катта аҳамият берилмоқда. Аммо бунда парадоксал вазият юзага келмоқда. Албатта, Вулф ижодининг, поэтикасининг “ноанъанавийлиги”га, “ўзига хослиги”га ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ, бундай ўзига хосликнинг ҳамда унинг асарларидаи шаклан янгиликларнинг манбасини тадқиқотчилар кўпинча тўғридан тўғри адабий амалиёт билан алоқадор бўлмаган қандайdir “ташқи” ҳолатлардан топишга ҳаракат қиласидилар. Бошқача айтганда, Вулф асарлари поэтикасининг ички қонуниятларини изоҳлаш учун ташқи омиллар жалб этилади: Виржиния Вулф руҳиятининг, ўзгалар билан мулоқот доирасининг ўзига хослиги, унинг турли хил фалсафий ҳамда эстетик назариялардан хабардорлиги, замонавий жамиятга бўлган муносабати, асарларида аёллар масаласи ва ҳоказо.

Виржиния Вулф асарларида мавжуд бўлган реалликка фалсафий нуқтаи назардан тўқис изоҳ беришга уринаётган танқидчилар орасидан Жозефин Обрайен



Шефер биринчилардан хисобланади. Тадқиқотчи бундай реалликни учта асосий элемент билан изоҳлайди: табиий феномен, ижтимоий ҳаёт ва персонажларнинг ички дунёси ҳамда адабанинг романларини мана шу уч элементнинг ўзаро алоқаси асосида талқин этишга ҳаракат қиласи [9].

Яна бир тадқиқотчи, Н.Такур, адабиётшуносларнинг эътиборини Вулф романларидаги рамзлар ҳамда мавзуларга (символлар ва мотивлар) жалб этади ва уларни ҳинд адабиёти ҳамда афсоналари билан боғлади [10]. Бошқа бир тадқиқотчилар Вулф романларини кўпроқ “Блумсбери гурухи”[11] (ха айтганча, бу номнинг кашф этилиши ҳам айнан Вулфга мансуб) иштирокчиларининг ижоди билан боғладилар.

1972 йил адабанинг жияни Квентин Белл томонидан ёзилган икки томлик В.Вулф биографияси нашрдан чиқади. Шу билан параллель равишда унинг эпистоляр, яъни нома тарзида битилган мероси “Адабанинг кундалиги”, эссе ва ҳикоялар тўплами ҳамда машҳур романлари қайта нашр этила бошланди. Виржиния Вулф ижодига бағишлиланган китоб ва мақолалар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли бизнинг назаримизда кўпроқ аҳамиятли бўлган баъзи асарлари хусусида фикр юритамиз.

Харвена Рихтернинг Вулф услубидаги “Ўзимга саёҳат” монографияси аввало унинг силлиқлик принципида ёзилганлигидир: “Инсонлар, предметлар, манзаралар ... персонажнинг кўплаб жиҳатларини акс эттирувчи кўзгулар орасида турадилар. Аммо, персонаж бу акс эттириш жараёнини англатмайди. Ўқувчи икки баравар ортиқ кўриш имкониятига эга бўлади – персонаж каби кузатиб ўзининг дунёсини кўра олади, у бундай акс этишларнинг олачалпоқ шуълаларини хис этади”. Бизнинг назаримизда Виржиния Вулфнинг асарлари қарама-қарши бўлсада, муаллиф учун энг асосийси акс эттириш эмас, балки борлиқни, реалликни англаш ва идрок этишдан иборат эди.

Вулф ижодини синчиклаб ўрганган ишлар орасида Элис ван Верен Келлининг

тадқиқоти алоҳида эътиборга лойик. У ўз тадқиқотида ҳикоя қилиб бериш маромини, яъни ритмни яратувчи усулга, моддий ва маънавий тафовутга асосий эътиборни қаратди. Унинг сўзларига кўра “Виржиния Вулф учун факт олами, далиллар дунёси бу табиийлик ҳамда чегаралангандик, чекланганлик оламидир; кўриш, хис этиш олами бу маънавий бирлашиш дунёсидир. Аммо бу оламларнинг бирортасини бир биридан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди...” [12].

Жеймс Нэйрмор “Ўзидан ташқаридаги дунё” номли тадқиқотида Виржиния Вулфни ташқи томондан ўраб турган борлиқни тушуниши, англаши ва идрок этиш йўлини топишга ҳаракат қиласи, шунингдек, адабанинг “техник янгиликларини” унинг романларининг “визионар характеристи” [13] билан боғлади. Аммо, бундай қизиқарли тадқиқотларнинг кўплигига қарамай мазкур иш ҳам (“Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвири” мавзусида ёзаётганимиз PhD диссертацияси – У.Ф. ) ғарб вулфшунослиги учун етарли даражада намунали иш хисобланади. Виржиния Вулф экспериментал романларидаги шаклан янгиликларни таҳлил этаркан тадқиқотчилар бундай техник янгиликлар биринчи навбатда борлиқнинг акс эттирилишига эмас, балки уни англаш, идрок этишга асосланган “матн-реаллик” янги модель қурилмаси билан шартланганлигини гоҳо эътибордан четда қолдирадилар.

Вулф ижодини ўрганишнинг иккинчи босқичи XX асрнинг етмишинчи йиллари охири ва саксонинчи йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу энг аввало америкалик тадқиқотчилар фаолияти билан боғлиқ. Бу даврда инглиз адабаси ижодини ўзига хос “актуаллаштириш” жараёни рўй берди. Адабиётшуносликда Вулф романларининг талқини ва умуман XX аср биринчи ярми адабий жараёнида унинг тутган ўрни тафтиш этилади. Мисол учун адабанинг ижодига ўша даврларда машҳур бўлган “йил мактаби”нинг йирик вакилларидан бири америкалик тадқиқотчи Ж.Хиллис Миллер тўғридан



түгри мурожаат қилди. 1970 йилда тадқиқотчи Вулф ижодини XIX аср романлари [14] билан изчиллигини таъкидлаган бўлса, 1982 йилда нашр этилган “Наср ва такрорлаш” китобига киритилган “Воқеалараро” романи ҳақидаги маҳсус бўлимида у Вулф романларини матннинг иккита маъноси аро “ланж ўйин”нинг намойиши сифатида баҳолайди [15].

1980 йил Калифорния университетининг нашриётида “Виржиния Вулф: қайта баҳолаш ва такрорлаш” деб номланган сарлавҳали мақолалар тўплами чоп этилади ва ўзининг кириш сўзида тўплам муҳаррири Ральф Фридман бирмунча ажабланиш билан шундай ёзади: “Виржиния Вулфнинг ренессанси – маданият тарихчиларининг шунчалик бошини қотириб гангитадиган кутилмаган воқеалардан биридир” [16].

Ҳозирги кунда ҳам устунлик касб этиб турган Вулф ижодини феминизм нуқтаи назаридан қараш йўналиши параллель равишда давом этиб келаяпти. Инглиз адабасининг шахсий ва ижодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган академик адабиётшунослик нуқтаи назаридан “маргинал” ҳисобланган воқеалар муҳим ўрин тутмоқда. Виржиния Вулф нафақат тарихий-адабий жиҳатдан, балки замонавий жамиятда аёлларнинг ўрнини белгилаш соҳасида ҳам эътиборли сиймо хуқуқини қозонди. У аёл-муаллифни тобелик позициясидан тенг хуқуқлик холатига ўтишни англатувчи адива сифатида гавдаланади. Бу борада Рейчел Боулбининг фикри эътиборга лойик: “Вулф – барча адабий оқимларнинг мунаққидлари томонидан жиддий ўрганиладиган XX асрнинг ягона Британиялик адабасидир” [17]. Шуни таъкидламоқ лозимки, бу йўналиш танқидчилари ўзларининг муҳокамасида асосан М.М.Бахтин ҳамда “декентрация” ва “полифонияга” алоҳида эътибор қаратган француз постструктурализми ғояларига, ҳар қандай иерархиянинг бузилишига таяниб, асар тузилиши барча элементларининг тенг хуқуқлигини тан олиб ўзларининг қарашларини шундай

тарзда баён қилишга мойилдирлар, яъни “маргинал” тенг адолатли эмас, балки бундан ҳам муҳимроқ. Чунончи, Вулфни феминистча талқин этиш[18]га салмоқли ҳисса қўшган Жейн Маркус ўзининг мақолаларидан бирида, адабанинг синглиси Ванессе Беллга ёзган хатида ўчирилган бир сўз асосида Вулф томонидан “эркак ва аёл” категориясининг идрок этилишининг бутун бир назариясини ишлаб чиқди [19].

Бу борада Йорк университети профессори Гермиона Лининг ҳам қарашлари аҳамиятлидир. У 1977 йилда Вулфнинг романнавислик ижоди тўғрисидаги монографиясининг деярли биринчи саҳифасида шундай ёзган эди: “Бу китоб Блумсбери ҳақида эмас. Унда Виржиния Вулф мунаққид ва эссешунос ёки биограф сифатида қаралмайди. Бу унинг тўққизта романнинг адабий тадқики” [20]. Бироқ, 1996 йилда Гермиона Ли Вулф биографиясини нашр эттиради. Унда, аксинча, инглиз адабасининг ижоди факатгина унинг ҳаётий қарашлари, нуқтаи назарлари асосида кузатилади. “Индепендент” газетасида чоп этилган “Виржиния Вулф: аёл образига муносабат” номли маънодор сарлавҳали мақоласида Гермиона Ли Вулфнинг олдинги икки томлик биографиясининг асосий камчилиги унинг муаллифи Квентин Белл инглиз адабасининг ҳаёт тарзини асосиз равишида сиёсийлаштирганлигини кўрсатади [21].

1992 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилиб келинаётган, Виржиния Вулф ижодий фаолиятининг турли жиҳатларига бағишлиланган ҳалқаро анжуманларда қилинаётган маърузалар ҳам, интернетдаги Virginia Woolf Web сайтидаги материаллар ҳам Вулф ижодини феминистчасига талқин қилиш томонига асосли равишида ўтишни тасдиқлаб турибди.

Мунаққидлар билдираётган хulosा, фикрларни бир томонда қолдириб, уларнинг талқини баъзида ҳақиқат бўлиб чиқишини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, Вулф романларининг ўзига хослиги унинг замонавий адабиётда ва бундан ҳам кенгроқ олиб қаралганда замонавий



жамиятда аёлнинг тобе ҳолатини англашидан эканлиги мунаққидлар учун омма томонидан қабул қилинган тушунча ҳисобланади. Айнан шундай “ижтимоий-сиёсий” мезон Виржиния Вулф романларининг услуг борасидаги барча изланишларининг таянч нұктаси сифатида қараляпти. Вулф ҳатто ўзининг “Жаноб Беннет ҳамда Браун хоним” номли эссецида фараз қилинган асарининг қаҳрамони сифатида аёл образини танлаб, әдвардианц ёзувчилар – А.Беннет, Д.Голсуорси, Г.Уэллсларнинг романларида бу образни гавдалантира олмасликлари мутлақо жинсий фарқ ёки ижтимоий мансублиги учун эмас, балки уларнинг

адабий услуби билан боғлиқлигини яққол күрсатиб берди. Бундан ташқари Вулф ўша эссецида түғридан-түғри бу ёзувчиларнинг асосий камчилиги ҳақида шундай ёзади: “әдвардианцлар хеч қачон персонажларнинг ўзи ёки китобнинг ўзи билан қизиқышмаган. Улар нимадир ундан ташқаридаги нарсалар билан қизиқышган” [22] – яъни, феминистлар мактаби Виржиния Вулф учун “асосий мавзу” сифатида қараган матндан ташқаридаги реалиялар билан қизиқышган. Вулфни ўзи ҳақиқатда қандай бўлғанлигига қарамай ундан яхшигина “әдвардианц аёл” қилишмоқда, дейиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Woolf, Virginia. A Sketch of the past // Wolf Virginia Moments of being: Unpublished autobiographical writings of Virginia Wolf. London, 1976. P.72.
2. Woolf, Virginia. The Diary of Virginia Wolf. Vol. I. London, 1982. P. 85.
3. Holtby, Winifred. Virginia Wolf. London, 1932.
4. Wolf, Virginia. A Reflection of the Other Person. The letters of Virginia Wolf: 1929-1931. London, 1978. P.188. Письмо от 14 июня 1925 г.
5. Forster E.M. The Early Novels of Virginia Wolf // Forster E.M. Abinger Harvest. New York, 1953. P. 115.
6. Forster E.M. Virginia Wolf. Cambridge, 1942. P. 16.
7. Bennett J. Virginia Wolf: Her Art as Novelist. . Cambridge, 1945.
8. Rantavaara, Irma. Virginia Wolf and Bloomsbury. Helsinki, 1953. P. 15.
9. Schaefer, Josephine O. the Three-Fold Nature of Reality in the Novels of Virginia Wolf. The Hague, 1965.
10. Thakur N.C. The Symbolism of Virginia Wolf. London, 1965.
11. Richter, Harvena. The Inward Voyage. Princeton, 1970. P. 99.
12. Kelley, Alise van Buren. The Novels of Virginia Woolf: fast and Vision. Chicago-London, 1973. P. 4-5.
13. Naremore, James. The World without a Self: Virginia Wolf and the Novel. New Haven & London, 1973.
14. Miller, J.Hillis. Fiction and Repetition: Seven English Novels. . Cambridge, 1982. P. 17
15. Freedman, Ralph. Virginia Wolf, the Novel, and the Chorus of Voices // Virginia Wolf: Revaluation and Continuity. Berkeley, 1980, p. 3.
16. Bowlby, Rachel. Virginia Wolf: Feminist Destinations. Oxford, 1988. P.12.
17. В частности, Джейн Маркус явилаас вдохновителем и редактором следующих сборников: New feminist essays on Virginia Wolf. Lincoln: University of Nebraska Press, 1981; Virginia Wolf and Bloomsbury: a centenary celebration. Bloomington: Indiana University Press, 1987 .
18. Marcus, Jane. “Taking the Bull by the Udders”: Sexual Difference in Virginia Wolf – A Conspiracy Theory // Virginia Wolf and Bloomsbury: a centenary celebration. Bloomington: Indiana University Press, 1987 .
19. Lee, Hermione. Virginia Wolf: a woman’s view // Independent, 08-02-1996. P. 7



20. Woolf, Virginia. Mr. Bennett and Mrs. Brown // Wolf, Virginia. Mrs. Dalloway and Essays. Moscow, 1984. P. 277.
21. История английской литературы. Т.3.М., 1958. С. 361.

**Файзуллаева У. Из истории изучения творчества Виржинии Вульф в английском и американском литературоведении. В статье речь идёт об истории изучения творчества английского писателя Виржинии Вулф в западноевропейской литературной критике.**

**Fayzullayeva U. From the history of studying Virginia Woolf's creative works in English and American literature. The article is devoted to history of studying the English writer Virginia Woolf's creative works in European literature critics.**